

# ШАРТНОМА № 102058

Андижон шаҳри.

« 20 » июнь 2022 йил

Биз қуйида имзо чекувчилар бир томонидан ўз Низомига асосан фаолият юритувчи «Пергамент Снегурочка» масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда «Бажарувчи» деб юритилувчи) номидан раҳбари М.Рахматов ва иккинчи томонидан ўз Низомига асосан фаолият кўрсатувчи, Андижон вилояти ИИБ номида раҳбар А.Т.Рахматуллаев (бундан буён матнда «Буюртмачи» деб юритилувчи), ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.


1.1 «Бажарувчи» ўз зиммасига «Буюртмачи»нинг топшириғига кўра қуйидаги маҳсулотларни тайёрлаб беришни, «Буюртмачи» эса ушбу маҳсулотларни қабул қилиб олиш ва ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

№	Буюртма турлари	ўлчов бирлиги	миқдори	нархи	суммаси
1	Буйруқларни рўйхатга олиш журнали	дона	25	48900	1222500
2	Тезкор йиғилиш баёнларини рўйхатга олиш журнали	дона	25	48900	1222500
3	Меърий хужжатларни рўйхатга олиш журнали	дона	40	48900	1956000
4	Шахсий таркиб бўйича буйруқларни рўйхатга олиш журнали	дона	6	48250	289500
5	Фармойиш ва қарорларни рўйхатга олиш журнали	дона	6	48250	289500
6	Ижрочида мавжуд хужжатларни ички рўйхати	дона	50	39000	1950000
8	Чиқиш хужжатларни рўйхатга олиш журнали (номахфий)	дона	20	58000	1160000
10	Кириш хужжатларини рўйхатга олиш журнали (номахфий)	дона	20	58000	1160000
11	Сейфлар, темир жавонларни рўйхатга олиш журнали	дона	35	48900	1711500
12	Пакет назорат журнали	дона	52	58000	3016000
13	Ахборотни ечиб олинадиган ташувчиларни ҳисобга олиш журнали	дона	40	39000	1560000
14	Иш дафтарларни ҳисобга олиш журнали	дона	40	48900	1956000
15	Мухр ва тамғаларни рўйхатга олиш китоби	дона	40	49500	1980000
16	Тугалланган йиғма жилд, журнал ва китобларни ҳисобга олиш журнали	дона	35	48900	1711500
17	Хоналарни кўриқловга топшириш журнали	дона	70	48000	3360000
18	Таркатув китоби	дона	10	39000	390000
19	ИИОга келган фуқароларни рўйхатга олиш китоби	дона	150	48900	7335000
20	Маъмурий бинога кириш учун 1 марталик рухсатномалар	дона	200	48900	9780000
24	Йиғма жилд картонли	дона	1500	1500	2250000
<b>жами:</b>					<b>44300000</b>

1.2 Шартнома умумий суммаси: 44300000 (қирқ тўрт миллион уч юз минг сўм).

1.3 «БАЖАРУВЧИ» ишларни бажаргач, қабул қилиш далолатномасига асосан буюртмачига топширади.

1.4 «БАЖАРУВЧИ» яроқсиз маҳсулотларни тўла алмаштириб ва таъмирлаб беради.



## 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1 «БУЮРТМАЧИ» шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 банк иш куни давомида бажариладиган ишлар учун шартнома умумий қийматининг 30% ини олдиндан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади. Шартнома қийматининг қолган 70% ини «Буюртмачи» томонидан бажарилган ишлар ҳисоб-варақ фактуралари асосида ўтказиб берилади.

2.2 Тўлов шакли: пул ўтказиш йўли орқали амалга оширилади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Тўлов муддати ва шартларига риоя қилмаган ҳолда «БАЖАРУВЧИ» ва «БУЮРТМАЧИ» корхоналар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 5-бобига асосан жавобгар бўладилар.

3.2. Махсулотни шартнома талабига жавоб берадиган ҳолатда «БУЮРТМАЧИ»га ўз вақтида топшириш.

3.3. Махсулотларнинг сифати ушбу гуруҳ учун амалдаги меъёрларга ва стандартларига мувофиқ келиши керак.

3.4. «БАЖАРУВЧИ» тўпламда яроқсиз, сифати лозим даражада бўлмаган махсулот мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз махсулотни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.1. бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган махсулотнинг пулинни қайтариб беради.

3.5. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва бошқа ҳужжатларда белгиланган тартиб ва муддатда махсулотни миқдори ва сифатли бўлиши бўйича қабул қилиб олади.

3.6. Сифати лозим даражада бўлмаган махсулот келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу махсулотнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида «БАЖАРУВЧИ»ни хабардор қилади.

3.7. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда муддатда махсулотнинг ҳаққини тўлаш.

3.8. Махсулотдан «БАЖАРУВЧИ»га тааллуқли бўлган муаллифлик ҳамда учинчи бир шахсга бермаслик ҳуқуқини сақлаган ҳолда фақатгина ўзининг корхонаси фаолиятида фойдаланиш.

## 4. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ВА ФОРС-МАЖОРҲОЛАТЛАРИ.

4.1. Тарафлардан бири шартноманинг енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавкулотда муайян шароитда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (табiiй офатлар, ноқулай об-ҳаво шароити, ҳукумат тадбирлари, ҳокимият органларнинг қарорлари, ҳарбий низолари, ички тартиб бузарликлар ва бошқа табиий офатлар) форс-мажор туфайли бажарилмаган ёки лозим даражада бажариб бўлмаслиги исботланса жавобгар бўлмайди.

4.2. Хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонунчиликка мувофиқ тарафларнинг ўзаро келишувига асосан хал қилинади. Ўзаро келишувга эришилмаган тақдирда қонунчиликда белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта бузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Мазкур Шартнома киритиладиган барча ўзгартирилиш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар тарафлар орқали имзоланиши керак.

5.2. Махсулотни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди.

5.3. Махсулотни тўлиқ топширмаганлик учун «БАЖАРУВЧИ» ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган махсулот қийматининг 0,5% миқдорида жарима тўлайди.

5.4. Агар етказиб берилган махсулот сифати лозим даражада бўлмаган ҳолларда айбдор тараф махсулот қийматининг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.5. Махсулот ҳаққини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун «Буюртмачи» ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4% миқдорида, лекин кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ортиқ бўлмаган миқдорида жарима тўлайди.


5.6. Махсулотни етказиб бериш муддатлари кечиктирилиб юборилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда жариманинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар миқдорининг баҳосининг 50% дан ошиб кетмаслиги лозим.

5.7. Жарималарни тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимча ёзма шаклда турдлин ва зар ҳолати тарафлар орқали имзоланиши керак.

6.2. Шартноманинг тарафларининг ўзаро келишувга асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари меъёрига биноан келтирилган зарарни тўлаш ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.



## 7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, худудий Ғазначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан кучга кириб, 31.12.2022 йил кунигача амал қилади.

7.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

7.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларида бекор қилиниши мумкин:  
- томонларнинг келишуви мувофиқ Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда Форс-мажор ҳолатларида.

## 8. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ, БАНК МАЪЛУМОТЛАРИ

«БАЖАРУВЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»

«Пергамент Снегурочка» МЧЖ  
Андижон вилояти Олтинкўл тумани Миробод МФЙ  
Х/р: 20208000004317234001  
Хамкорбанк АТБ Нодирабегим филиали  
МФО: 00079 ИНН: 204904722

Andijon viloyati
Ichki Ishlar Boshqarmasi
H/R: 23404000900193429324
ANDIJON SHAHAR MARKAZIY BANK
MFO: 00016 STIR: 200237584



Рахбар:  М.Рахматов

Рахбар:  А.Т.Рахматуллаев

Юрист

ANDIJON VILOYATI IIB TASHKILIY BOSHQARMA YURIDIK TA'MINLASH GURUHI. SHARTNOMA EKSPERTIZADAN O'TKAZILDI
Чек № « 20 » 2022 йил № 209
